


Қайси бир киши намозини ўқиса, ҳаргиз дўзахга кирмайди



14:10 / 26.01.2019 5428

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қилинади:

«Набий алайҳиссалом: «Агар одамлар хуфтон ва бомдод намозини жамоат билан ўқиш савобини билишганда эди, унга эмаклаб бўлса ҳам келишар эди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Уйқунинг энг ширин маҳали ва, айниқса тунлар қисқа бўлган ёз пайти, бомдод намозига туриш жуда ҳам қийин. Албатта, ҳар қандай ширин уйқудан ҳам қиёс қилиб бўлмас даражада афзал бўлган бомдод намозига уйғониш одамдан мустаҳкам иймон ҳамда шайтон ва ўз нафси билан доимий курашни талаб этади, шунинг учун ҳар ким ҳам бунга қодир эмас.

Уйимизда бир неча дақиқага чироқни ўчириб қўйишса, биз шу заҳоти оҳу воҳ қилишга тушамиз, дарров бунинг сабабини билиш учун телефон қилгани шошилаемиз. Аммо қабрда бўлиб туриб, кимга ҳам қўнғироқ қила оламиз ва бизнинг овозимизни ким эшитади? Ҳаттоки бизни бомдод намозига турғазашга қодир бўлмаган заиф иймон билан нариги дунёга

равона бўлмаслигимиз учун, қабримиз нур билан ёритилиб, Қиёмат кундаги савол-жавобимиз осон бўлиши учун, намоз вақти келганда қумга бошини яширган туяқуш каби кўрпага бурканиб олмаслигимиз керак. «Бисмиллоҳ» деб ўрнимиздан даст кўтарилиб, кичик таҳоратни қилиб, вақтни ўтказмай кун чиққунча, бомдод намозини ўқисак, шундай тарзда ўз руҳимиз ва иймонимизни ҳам мустаҳкамлаган бўламиз.

Саҳиҳ ҳадисларидан бирида келтирилишича, Набий алайҳиссалом: **«Қайси бир киши қуёш чиқиши ва қуёш ботишидан олдин (яъни) бомдод ва аср намозини ўқиса, ҳаргиз дўзахга кирмайди»**, дедилар (*Муслим ва Абу Довуд ривояти*).

Албатта, бомдоз намозини ўқиш учун қисқа ёз тунларида ўз ширин уйқусини бузиб, қиш кунлари эса иссиқ ўрнини тарк эта оладиган, шунингдек куннинг энг тиғиз вақтида пешин намозини ўқишга қодир бўлганлар учун қолган барча намозларни ўқиш ҳеч қийинчилик туғдирмайди.

«Ким хуфтон намозини жамоат билан ўқиса, кечанинг ярмини ибодат билан бедор ўтказгандек бўлади. Кимки бомдод намозини жамоат билан ўқиса, бутун кечани ибодат билан ўтказгандек бўлади» (*Муслим ривояти*).

Islom.uz портали таҳририяти